



# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 94 (10.147)

2004 ЙИЛ 18 МАЙ

### ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгилликлар, воқеалар

#### ҚИСҚА сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жисмоний тарбия институтида жисмоний тарбия ва спорт назарияси фаилари бўйича талабалар ўртасида олимпиада уюштирилди.

● **21-МЕХРИБОНЛИК** уйда ўтказилган «Авлодлар учрашуви» деб номланган тадбир «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан ташкил этилди.

● **ТАДБИРКОРЛАР** ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон-либерал демократик партиясининг «Ёшлар қаноти» ўз фаолиятини бошлади.

● **ТОШКЕНТ** педиатрия Тиббиёт институтида ўқитувчилар ҳамда талабалар иштирокида бўлиб ўтган тадбир «Талабалик баҳори» деб номланди.

● **БУГУН** Темурийлар тарихи Давлат музейида бўлиб ўтган тадбир Халқаро музейлар кунни муносабати билан уюштирилди.

● **ХАЛҚАРО** бизнес марказида талабаларнинг иқтисодиёт бўйича билимларини юксалтириш мақсадида танлов уюштирилди. Иқтисодиёт бўйича тест саволларига аниқ жавоб бериб, фолибликни кўлга киритган талабалар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат техника университети қошидаги Компьютер технологиялари академик лицейида уюштирилган илмий-амалий анжуман ёшларга инглиз тилини ўргатишда замонавий технологияларнинг роли масаласига бағишланди.

● **ЖАҲОН** иқтисодиёти ва дипломатия университетида бўлиб ўтган семинар «Таржимон фаолиятининг сирлари» деб номланди.

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги тиббиёт коллежида ўтказилган «Очиқ эшиклар кунни» тадбирида тумандаги мактабларнинг юқори синф ўқувчилари иштирок этишди.

● **БИОЭКОСАН** ўқув-услубий жамуининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан шаҳримизда «Тоza сув — келажақ авлод учун» мавзусида тадбир ўтказилди.

● **ТОШКЕНТ** Банк коллежида «Ўзбекистон — кўшиқ байрами» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

● **АМАЛИЙ** санъат музейида ўрал Тансиқбоев таваллудининг 100 йиллигига бағишланган таниқли рассом Акмал Жамоловнинг «Устоз ёди» деб номланган асарлари кўргазмаси намойиш этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.



«Тошкент чинни заводи» акциядорлик жамияти чиннисозлари жорий йилда маҳсулотларнинг янги турларини яратиб, харидорлари сафини янада кенгайтириш ниятида меҳнат қилишмоқда.

**СУРАТЛАРДА:** корхона фаолиятидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



## ХУСУСИЙЛАШТИРИШ САМАРАСИ

Бектемир туманидаги «В.К. Intrans» акциядорлик жамиятининг давлатга тегишли акциялари бутунлай сотилгач, корхонада самарадорлик кескин оша бошлади.

- Ҳайдовчиларимиз, - деди мазкур корхона раҳбари Ботир Қосимов ўза муҳбирига, - халқаро ва шаҳарлараро юк ташвишда 80 автотранспорт воситасидан унумли фойдаланмоқда. Юк ташувчи транспортимизнинг асосий қисмини замонавий «Мерседес-Бенц» машинала-

ри ташкил қилади.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида йигирма минг тоннадан зиёд юк белгиланган манзилга етказиб берилиб, салкам 300 миллион сўмлик фойда олинди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13 фоиз кўп демакдир.

«Radisson - SAS» меҳмонхонасида «COSCOM» Ўзбекистон-Америка кўшма корхонасининг «Real» номли янги маҳсулоти тақдимоти бўлиб ўтди.

## «COSCOM» КОМПАНИЯСИНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ

«Реал вақтдаги реал алоқа» - компания ўзининг мамлакатимиз уяли алоқа бозорига мутлақо янги — олдиндан ҳақ тўлаш тизимини шундай таърифлайди. Мазкур маҳсулот интеллектуал триал майдонча (SMS, PPS, VMS) базасида яратилган бўлиб, уни Исроилнинг дунёга машҳур «Comverse» компанияси етказиб берган.

«COSCOM» учун яна бир муҳим воқеа бир неча

кун аввал рўй берди - у Ўзбекистон телекоммуникация соҳасида биринчи бўлиб корхона сифат менежменти тизими ISO 9001-2000 халқаро стандартига мувофиқлик сертификатини олди. Бу ҳужжат TUV Rheinland Berlin-Brandenburg Group томонидан берилган.

Жорий йил бошида «COSCOM» компанияси Тошкентда 60 дан ортиқ «Horizon 2» қабул қилиш-узатиш станцияларини

ишга туширди. Улар дунёда симсиз алоқа соҳасида етакчилардан бири ҳисобланган «Motorola» компаниясидан сотиб олинди. Янги станциялар абонентлар сонини ошириш, компания хизматларидан фойдаланиш нархларини пасайтириш имконини беради.

Тақдимот маросимида Исроилнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Цви Коэн Литант иштирок этди.

ЎЗА

## XXI саҳоси

Барча мавбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Самарқанд шаҳрида яқунланган «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловининг республика босқичида ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда умумтаълим мактаблари жамоалари иштирок этди.

● Қашқадарё вилоят ҳокимлигида республика ишчи гуруҳининг кишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишлар таҳлили юзасидан ўтказган текшируви яқунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Нукусда ўрта махсус билим юртлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» спорт ўйинлари стол теннис баҳсларининг Қорақалпоғистон босқичи яқунланди.

● Тошкент вилояти, Чиноз туманидаги «Зарафшон» ва «Мунаввар Жамол» фермер хўжаликлари 47-мактабга икки юз минг сўмлик дарслик совға қилди.

● Наманган вилояти, Янгиқўрган туманидаги Исковот қишлоғидаги галла қабул қилиш пунктида замонавий хорижий ускуналар ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди.

● Республика Киночилар уюмида «Дев билан пакана» фильмининг рус тилидаги талқини тақдимоти бўлиб ўтди.

● Андижон шаҳрида «Фьючерс» туркумидаги халқаро теннис мусобақаси яқунланди. Унда жаҳоннинг 12 мамлакатидан 32 спортчи галаба учун кураш олиб борди.



### Жаҳонда

● Жанубий Африка Республикаси маъмурияти Гаитининг собиқ экс-президенти Жан Бертран Аристидга вақтинчалик сиёсий бошпана беришга рози бўлди.

● Тез орада Россия ҳукумати томонидан Чеченistonни ривожлантиришнинг уч йилга мўлжалланган янги дастури қабул қилинади.

● Туркия пойтахти Истамбул шаҳрида «Евровидение-2004» кўшиқлар танлови бўлиб ўтди.

● Россиянинг Курган областида 5 минг гектар майдонда ўрмон ёнигининг авж олиши натижасида 362 та хонадон қуйиб кул бўлди, 7 киши ҳаётдан кўз юмди.

● Халқаро футбол федерацияси — ФИФАнинг Цюрихта бўлиб ўтган ижроия қўмитаси йиғилишида 2010 йилдаги жаҳон чемпионатининг Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтиши белгиланди. Бу демак футбол бўйича жаҳон чемпионати илк бор Африка қитъасида ўтказилади.

● Грецияда бўлиб қайтган Халқаро Олимпия Қўмитаси экспертлари тайёргарлик ишлари ўз вақтида яқунлашишига ишонч ҳосил қилишди.

## Иқтисодий

САМАРАЛИ  
КЎЛЛАНИЛМОҚДА

Кейинги йилларда тиббиётимизда шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дори-дармонлар турли хасталикларни даволашда самарали қўлланилмоқда.

Мирзо Улуғбек туманида 1995 йилда ўз фаолиятини бошлаган «Gerbafarm» хусусий корхонаси бугунги кунга келиб 30 турдан ортиқ дори-вор ўсимликларга қайта ишлов бериб, чиройли қадоқлаб савдога чиқармоқда. Корхонанинг барча махсулотлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги назорат комиссияси текширувидан ўтказилган ва сертификатланган.

Доривор гиёҳлар Тошкент вилоятидаги Бўстонлиқ, Паркент тоғларидан, Наманган, Қашқадарь, Сирдарь вилоятларидан териб келтирилади, улар қўллаб хасталикларни даволашда ишлатилади. Масалан, «Пол-пола» деб номланган доривор восита тузларни эритувчи, «Боаришник» гижжа туширувчи, «Пижма», «Солодко» юқори нафас йўлларида даволаш учун қўлланилади. Ҳақиқатан 2003 йилда корхонада 98 минг 390 та пакетчаларда қадоқланган шифобахш ўсимликлар дори-хоналарга етказиб берилди.

Корхона тadbиркорлари жорий йилда эзгу ниятлар билан мини-завод қурилишини бошлаб юборганлар. Барча ишларни ҳозирги даромадлари ҳисобидан амалга оширишмоқдалар. Мини завод ишга тушгач эса бу ерда янги махсулотлар — таблетчалар ҳамда доривор гиёҳлардан тайёрланган настойкалар ишлаб чиқариш режаланган. Асосийси эса 20-25 нафар фуқароларга янги иш жойлари яратилади.

МАВСУМИЙ  
КИЙИМЛАР  
ЧИҚАРИЛМОҚДА

Тadbиркор Ботир Дада-матов ички бозорни сифатли, бежирим, замонавий махсулотлар билан тўлдиришга ҳаракат қилмоқда.

1999 йилда турмуш ўртоғи билан иш бошлаган хусусий тadbиркор ҳозирги кунга келиб 30 дан ортиқ турдаги киз-жувонларга мўлжалланган бир-бирдан чиройли, кўркам либосларни сотувга чиқармоқда. Шунингдек, улар томонидан тикилган махсус иш кийимлари ҳамда ўқувчилар учун жамламалар миқозларни мамнун қилмоқда.

Шуни қувонарлики, бугуннинг талабини тўғри англаган Дадаматов махсулотларнинг сифатига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жорий йилда оилавий тadbиркорлар баҳор-ёз мавсумларида кийиладиган 4 хилдаги янги, замонавий—ёшларга мўлжалланган юбкаларни ишлаб чиқаришни бошлашди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Пойтахтимизда ҳам кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш борасида бир қатор ижобий натижаларга эришилмоқда. Бу борада шахар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси ҳамда туманлардаги палаталарнинг ҳиссалари катта бўлиб, тadbиркорларнинг уларга бўлган ишончи ортиб бормоқда. Кунинча шаҳримиздаги «Радиссон SAS» меҳмонхонасида бўлиб ўтган Тошкент шахар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатасининг V ҳисобот-сайлов конференциясида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик ривожини таъминлашда амалга оширилаётган ишлар ҳусусида батафсил ҳисобот берилди.

Конференцияда кун тартибига қўйилган биринчи масала — 2002-2003 йиллардаги палатанинг иш фаолияти ва 2004-2007 йилларга белгиланган вазифалари тўғрисида палата раиси Садриддин Ҳақимовнинг ҳисоботи тингланди. Ҳисоботда шаҳримизда фаолият кўрсатаётган корхоналар сони йилдан йилга ортиб, тadbиркорлар сафи кенгайиб бораётганини таъкидлаб ўтилди. 2003 йил 1 январь ҳолатига кўра кичик ва хусусий корхоналар 25298 тани ташкил этган бўлса, 2004 йил 1 январь ҳолатига улар 26616 тага етиб, фаолият кўрсатаётган корхоналар 106 фоизга кўпайди. Палата аъзолари сони 22075 тани ташкил этиб, ўтган йилдан 105 фоизга ортди.

Энг муҳими эса тadbиркорликни ривожлантириш ҳисобига янги ишчи ўринлари яратилиб, аҳолини иш билан таъминлашда ижобий самара бермоқда. Ҳақиқатан йилда ишчи ўринлари ташкил этиш 118 фоизга кўпайди. Шуни эътиборлик, кичик ва хусусий тadbиркорликнинг шахар янги ички махсулотидега улуши 2003 йил якунида 46,6 фоизга етди. Тadbиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳақми йилдан йилга ортиб, 2003 йилда уларга ажратилган кредитлар ша-

ҳар буйича 39 миллиард 680 миллион сўмни ташкил этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, пойтахтимизда АҚШ, Бельгия, Хитой, Жанубий Корея, Италия, Германия ва

Шунингдек, тadbиркорларни ҳуқуқий ҳимоялашга катта эътибор қаратилиб, 2003 йилда туман палаталари томонидан 4966 та тadbиркорга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Тadbиркорлар фаолиятига ноқонуний аралаш-шишларнинг олдини олиш, ҳуқуқларини ҳимоя қилишга асосий эътибор қаратилган.

Ҳисоботда шахарда тadbиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш, шу асосда сафини янада кенгайтириш, иқтисоди-

миздаги ўрнини ошириш учун келгусидаги режалар, муаммоларни ечишга қаратиладиган эътибор ҳусусида ҳам батафсил айтиб ўтилди.

Конференция кун тартибига қўйилган тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тинглангач, ҳар иккала масала муҳокамаи бўйича музокара бўлиб ўтди. Музокарада сўзга чиққан «Камол топ» хусусий фирмаси раҳбари Шоира Мусаева, «Тальяна» хусусий фирмаси директори Ҳамза Хушвақов, «Фармед» хусусий фирмаси директори Дилором Тошмухамедова, «GREEN WORLD» кўшма корхонаси раҳбари Аваз Исмоилов, «ПЕСС-СЯ» хусусий фирмаси раҳбари Саидвали Ғозиевлар тadbиркорларга яратилган шарт-шароитлар, палаталар билан ҳамкорлик самараси, ечимини кўтаётган муаммолар ҳусусида фикр юртдилар. Сўзга чиққанлар палата тadbиркорларнинг ҳақиқий қалқони бўлиши кераклигини, ишончини қозониш лозимлигини, ёшларни ишга жалб этишга эътибор қаратиши зарурлигини алоҳида таъкидлашди.

Конференцияда палата кенгаши сайланиб, бошқарув таркиби тасдиқланди. Шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси раиси этиб Садриддин Ҳақимов тасдиқланди. Шунингдек, республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатасининг V курултойига делегатлар сайланди.

Шарифа ИЛЁСОВА

## Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик

МАҚСАД — ТАДБИРКОРГА  
ҚАЛҚОН БЎЛИШ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида тadbиркорликка кенг йўл очилиб, унинг ривожини таъминлаш йўлида имкониятлар, шарт-шароитлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Иқтисодийимиз равақда муҳим аҳамият касб этган ушбу соҳа ривожининг эл-юрт фаровонлигини таъминлашда ўз ўрни бор, албатта.

Бошқа қатор хорижий давлатлар ишбилармон доиралари, компаниялари вакиллари иштирокида учрашув ва семинарлар ўтказилиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги йўналишлар очиш бўйича ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш мақсадида кўплаб шартнома ва келишувлар тузилмоқда. Тadbиркорларимиз томонидан ишлаб чиқарилган махсулотлар хорижий давлатлар кўрғазмаларига қўйилиб, муваффақият қозонмоқда. Шунингдек, ички бозорни халқ истеъмол моллари, сифатли ва рақобатбардош махсулотлар билан тўлдириш мақсадида кўшимча тadbирлар режаси ишлаб чиқилган ва амалга оширишга эътибор қаратилган. Уни бажаришда хусусий тadbиркор Д.Алиев, «Тальяна», «Камол топ», «Хусус», «Мурот-сервис», «Низом ота», «Ҳазир» хусусий фирмалари, «Маҳмуджон ҳожи» хусусий ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа тadbиркорлик субъектларининг фаолиятлари ибратлидир.

Шаҳар ва туманлар палаталари қошида ташкил этилган ахборот-маслаҳат марказларида 4188 та кичик ва хусусий тadbиркорлар ўқитилди. Соҳага оид чиқарилган ҳар бир ҳужжатларни тadbиркорларга етказишга ҳаракат қилишмоқда. Шаҳар палатаси ҳузурда тadbиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи Марказий Осиёда ягона бўлган «Мароқанд» кўп тармоқли ахборот алмасув тизими фаолият юритмоқда.

Дарҳақиқат, Муҳаммад Юсуфининг «Ўкинч», «Унутмоқ осонмас бизларни», «Отабек ва Зайнаб» кўшиқлари, «Ўзбек момо», «Талабалар мадҳияси», «Абдулла Қодирий хотираси» шеърлари асосидаги кўшиқлар ўқувчилар томонидан меҳр ила санъаткорона ижро этилди. Тadbир довомида иштирокчилар атоқли шоир М.Шайхзода-нинг «Одамлар бор тиригида ўликдир, одамлар бор мангуликда тирикдир» сатрларини бир неча бор такрорлаган бўлсалар ажаб эмас. «Қисқагина умр кўриб, узоқ яшаб келатган зотлар» — Қодирий ва Муҳаммад Юсуф ижодида адабиёт дарсларида кўп ва ҳўб муурожаат қилиш ўзбекининг ўзлигини англашда муҳим аҳамиятга эга. Бу — семинар иштирокчиларининг ҳулосаси эди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

## Маълум

НОАҲЪАНАВИЙ УСУЛЛАРГА  
БАҒИШЛАНДИ

Юнусобод туманидаги Раззоқ Ҳамроев номидаги 288-мактабда «Дарс самарадорлигини оширишда ноаҳъанавий усуллардан фойдаланиш» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда туман она тили ва адабиёти муаллимлари, услубчилар, адабиёт мухлислари иштирок этдилар.

Тadbирнинг 1-қисмида семинар иштирокчилари Гулнора Нурматованинг 5-«В» синфидаги «Ҳамид Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр» эртак-достони, Гулнора Усмонованинг рус синфларидаги «Улакмизда кезмоқда баҳор» деб аталган ўзбек тили дарси ва Ф.Юсупованинг 3-«Б» синфидаги сўз туркумига оид машуғулларини кузатишди.

— Ҳар учала дарс ноаҳъанавий усуллардан фойдаланиш,

яъни баҳс-мунозара, дебат, «акли ҳужум»ни ташкил этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир, — дейди семинар иштирокчиси Ёкутхон Мўминова. — Бугунги семинарнинг иккинчи қисми Абдулла Қодирий ва Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишланган ҳам айна мудо бўлди. Ўқувчилар сахналаштирган сахна кўринишлари, «Бешиччи ўйил» кўшиғига клип, сермазмун шеърлар тadbирни янада жонлантирди.

Жаҳон иқтисодийи ва дипломатия университети қошида Корея маданият маркази ҳамкорлигида музей очилди.

## УНИВЕРСИТЕТ ҚОШИДА МУЗЕЙ

Корея ва Ўзбекистон давлатлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланмоқда. Бу мамлакат билан нафақат иқтисодий, балки маънавий-маърифий, маданий соҳаларда ҳам алоқалар ўрнатилди. Мазкур музейнинг очилиши ана шундай алоқаларнинг бир дебонаси десак муболага бўлмайди.

Музейнинг ташкил этилишига Кореянинг KOICA халқаро ҳамкорлик ташкилоти томонидан 20 миң АҚШ доллари миқдоринда маблағ ажратилди. Бу ерда Корея давлатининг қадимий ва замонавий асбоблари, миллий либослардан намуналарни кўриш мумкин.

— Ўн йилдирки университетимиз KOICA ташкилоти билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда, — деди университет Жаҳон тиллари ка-

федрасининг мудир доктори Бахтия Шамсиева. — Ўқув юртимизнинг 50 га яқин талабаси корейс тили бўйича таҳсил олишяпти. Мазкур музей талабаларнинг корейс тили ва маданияти билан яқиндан танишиш имконини беради. Талабаларимиз ташкилот томонидан ажратилган грантлар орқали Кореянинг кўпгина олий ўқув юртларида ўз билимларини ошириб қайтишди

Музейнинг очилиш маросимида Кореянинг мамлакатимиздаги Фавкулдада ва мухтор элчиси Ким Сан Хуан ва KOICA халқаро ҳамкорлик ташкилотининг раҳбари Ким Дон Ху иштирок этди.

Дилрабо АБДУЛЛАЕВА  
«Туркистон-пресс»

## Иқтисодий ҳимоя

КЎШМА ШАРТНОМАЛАР —  
АМАЛДА

Меҳр ва мурувват йили дастури доирасида «Тошкент трактор заводи» Давлат ҳиссасдорлик жамиятида ҳам қатор ибратли тadbирлар амалга оширилмоқда. Корхона раҳбарияти томонидан «Жамият ҳодимларига моддий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисида» буйруқ чиқарилиши ҳам айна мудо бўлди.

Ана шу ҳужжат бўйича корхонанинг ҳамкорлик шартномаларига қатор қўшимчалар киритилди. Меҳнат, иқтисодий-иқтисодий ва касба уюшмаси масалалари юзасидан тузилган кўшма шартномаларда тракторсозларга имтиёзлар бериш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ўзифодасини топди.

Жамиятнинг «Трактор» конструкторлик бюроси, «Кастинг», «ТТЗ-Аланга», «ТТЗ-Дастгайр», «ТТЗ-Асбоб» турдош корхоналар билан имзолаган шартномаларида юз берган янгиликлар шулар жумласидан.

Шунингдек, «Меҳнатга ҳақ тўлаш, кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш»га оид қўшимчалар ҳам кучга кирди.

Моддий ёрдам кўрсатиш бўйича қабул қилинган қоидалар корхонанинг кўшма шартномалар тузишга бағишланган конференцияда кўриб чиқилди ва қабул қилинди.

Анвар АББОСОВ

**Санаъат**

**ЯХШИ КУТИБ ОЛИНДИ**

**Машҳур драматург Шекспирнинг кўпгина асарлари сахна юзини кўрди. Унинг «Нуксонлар комедияси» деб номланган асари эса яқинда Ўзбекистон Ёшлар театри репертуаридан ўрин олди.**

Шуниси диққатга сазоворки, бу спектакль бутунжаҳон ёшлар хизмати куни муносабати билан сахна юзини кўрди. Халқаро таълим Америка Кенгашининг мактаби дастури доирасида постановка қилинган ушбу сахна асари томошабинлар томонидан яхши кутиб олинди. Уни бир гуруҳ моҳир санъаткорлар постановка қилишди. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультетининг икитдорлари талабаси Эмилия Асадова ҳам бу ижодий гуруҳ сафида қатнашди.

У халқаро таълим бўйича Америка Кенгаши мактаби дастурини яқинда муваффақиятли битирди.

**ИХЛОСМАНДЛАР ЭЪТИРОФИ**

**Севири адибимиз Саид Аҳмадининг «Келинлар кўзголи» комедияси жуда кўплаб томошабинларга манзур бўлиб келмоқда. Ушбу асар сахна юзини кўрганидан кейин қатор ижодий жамоалар томонидан постановка қилинди, бадий фильмлар яратилди.**

«Вой дод» деб номланган янги спектакль ҳам кўпчилик эътиборини қозонди. Тошкентдаги «ЛИК» театр-студияси ҳам бу кувнок асарга мурожаат қилиб, ўзининг янги постановкасини тайёрлади.

Унинг тақдироти томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Муваффақият қозongan маъзур спектакль «Театр баҳори-2004» кичик театрлар иккинчи республика фестивали репертуарига киритилди.

Ушбу тадбирда ҳам «Вой дод» яхши баҳо олди.

**ФИЛЬМНИНГ ИККИНЧИ ТАЛҚИНИ**

**Таниқли кинорежиссёр Элёр Эшмухамедов томонидан бир неча қизиқарли фильмлар яратилган. «Севишганлар» деб номланган экран асари айниқса унга шуҳрат келтирди.**

Бу фильм суратга олинганга 35 йил бўлди. Бу орада у кўпгина кўриқларда совинрили ўринлар билан тақдирланди.

Санъаткор ушбу фильмнинг давоми сифатида яна бир постановка устида иш олиб борди. «Севишганлар-2» деган ушбу янги бадий фильм яқинда тугалланди.

Шуниси эътиборга сазоворки, ана шу постановкада бош ролларни ўша биринчи фильмда қатнашган артистлар ижро этдилар.

Айни вақтда актёрларнинг янги вакилларида Тамара Оқуллова, Ольга Кабо сингари россиялик санъаткорлар ҳам қатор образларни меъёрига етказиб талқин этдилар.

**Ақбар АЛИЕВ**

**Бугун — Халқаро музейлар куни**

**МАДАНИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ**

**Ўзбек халқи ўз тарихида бадий-монументал ва амалий санъатнинг оламшумул ноёб асарларини яратди. Бу асарлар ҳанузга қадар ўзининг юксак бадий услуби, гўзаллиги, нақшларининг нафислиги орқали яратувчиларининг нозик дидли ҳамда теран фикрли санъаткор бўлганлигидан далолат бериб турибди. Бу хайратомуз манзарани биноларнинг ички ва ташқи безакларида, нафис кошинларда, бўртма ганч ўймаларида, тош ва ёғочларга ўйилган сержилва нақшларда, металл ва чармга ишланган турли гулларда, гиллампалар, шоҳи-атласлар, сўзаналарнинг жозибали рангларида кўриш мумкин.**

Пойтахтимиз Тошкентда ҳам ўзбек меъморчилигида ўзининг қурилиш услуби, зийнати ва мустақамлиги билан ажралиб турадиган бир қанча қадимий мадраса, масжид ва саройлардан ташқари ХХ асрнинг бошларида, аниқроғи бундан 101 йил илгари қурилган, миллий нақшкор бинолар ҳам мавжуд. Бугунги кунда республика халқ амалий санъати музейи жойлашган бино ана шулардан биридир. 1902-1903 йилларда европача тарзда қурилган бу қасрнинг бунёд этилишида рус меъморларидан А.Бумейстер, Г.Сваричевский, И.Маркевич, тошкентлик машҳур сичкор-ўймакор уста Топшўлат Арслонкулов, Тошкент нақшолик мактабининг йирик вакили Олимжон Қосимжонов, бухоролик машҳур ганчкор уста Ширин Муродов, шунингдек, Самарқанд, Хива, Қўқон, Риштон ва Хўжанд шаҳарларининг тажрибали халқ бинокор усталари фаол қатнашганлар. Ушбу бино учун зарур бўлган қурилиш материаллари, пишк шик Тошкентдан, ганч Бухородан, сержило кошинлар Қўқон ва Риштондан келтирилган, устун ва эшиклар Самарқанд чинорларидан ясалган. Чинор дархатининг энг сифатли жойига «Ислимий» ва «Бағдодий» услубида ўйма нақшлар ишланган. Бинонинг хона деворлари ганч нақшлари билан бежирим қилиб безатилган. Бунда ўзбек ганчкор усталарининг кўлайдиган «Гули рафтор», «Патнис ислим», «Гирих» (геометрик чизма), «Чақонардоз» ва бошқа услубларни ҳам учратиш мумкин.

Бинонинг учта хонаси ва кенгаш зали ҳам турли-туман миллий безаклар, нақшлар ва гуллар билан серхашам қилиб безатилган. Залнинг ўрта ва эгадига иккитадан тоқча, бошқа бир томонда эса меҳроб бор. Тоқча нақшли ганч панжара билан тўсилган. Залнинг ўрта ва шимол томонида ўзбек миллий амалий санъатининг энг яхши намуналаридан ҳисобланган иккита нафис ўймакор эшик мавжуд. Залнинг шифти ниҳоятда серхашам, нақшкор. Хуллас, катта маблаъ эвазига тикланган бу муҳташам бино 1937 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида амалий санъати асарларининг доимий кўргазма масканига айлантирилган. Бу миллий услубда безатилган бинонинг ўзи бир серхашам ноёб экспонат бўлиб, мана 67 йилдирки узоқ-яқиндан келган кўплаб хорижлик ва кўшни мамлакатлардан ташриф буюрган сайёҳларни лол қолдириб келмоқда. Музей ҳар бир халқнинг маданий кўзгуси бўлиб, ўша юртининг бой ўтмиш тарихи, маданий ва маънавий ёдгорликлари тўплагани боис, уни сақлаш, ўрганиш ва ташвиқ қилиш зарур. Шунинг учун музей илмий, маърифий-маънавий маскан ҳисобланади.

Биз ҳикоя қилаётган маданиятимиз кўзгуси, яъни музей захирасидаги етти мингдан ортиқ турли нодир экспонатлар тартиб билан жойлаштирилган. Бу ердаги экспонатлар турли даврларга тегишли бўлиб, булар мустақил

республикамиз бадий ҳунармандчилигининг ривожланиш тарихи, ютуқлари ҳақида ҳикоя қилади. Музей заллари бўйлаб айланган ҳар бир кишининг диққатини биринчи навбатда гилам, палос ва сержило кашталар тортади. Чўгдек сержило гилам ва палослар орасида Андижон, Хива, Фарғона, Қарши, Шахрисабз ва Китоб тумани ҳунармандлари тайёрлаган иш намуналарини кўриш мумкин. Ўзбек миллий кашталари ўзининг ранг-баранглиги билан томошабин кўзини қамаштиради. Тошкентдаги бадий каштачилик фабрикасида яратилган бу нафис ва гўзал буюмлар республикамизнинг ҳамма ҳудудларида маълум ва машҳур.

Халқ амалий санъатининг энг ривожланган тури, бу, сўзсиз, ёғоч ўймакорлиги ҳисобланади. Музей залларидан бирида ёғоч ўймакор усталарининг ана шундай асарлари намойишга қўйилган. Унда бухоролик, самарқандлик, хивалик, қўқонлик ва тошкентлик истеъдодли халқ усталарининг ёғоч ўймакорлигига доир санъат асарлари, Ўзбекистон халқ рассоми Қодир Ҳайдаров, Сулаймон Ҳўжаев ва унинг шогирди Мақсуд Қосимовнинг безакдор иш намуналари, Т.Тўхтаўжаев, Е.Раунов, Ж.Ҳакимов ва халқ устаси, Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадий академиясининг фархий академиги Ортак Файзуллаевнинг безакли «Панжара-си ҳар бир томошабин диққатини албатта ўзига тортади. Бу залда санъаткор усталаримиз суяк, садаф, эмал, турли нодир дарахт ёғочларидан ясаган ва ранг-баранг тусда товланувчи мусика асбоблари — дутор, танбур, рубобларни кўрган кўзлар қувонади. Ўзбекистонда бадий кулолчилик қадим замонлардан барқ уриб ривожланган. Тошкент, Самарқанд, Риштон, Хива, Фижудовн, Шахрисабз, Каттакўрган, Ургут, Китоб туман усталари томонидан яратилган лаган, коса, пиёла, қўзлар ўзининг жарангдорлиги, нозиклиги, рангининг жилоси, бетакдор нақшлари билан дунёга машҳур бўлган. Шунингдек, музей залларидан заргарлик, зардўзлик, мисгарлик каби амалий санъат турларидан намуналар, чиннисозликнинг ўзига хос ноёб асарлари ҳам ўрин олган. Бу ердаги халқ амалий санъати асарларининг энг яхши намуналари Париж, Нью-Йорк, Брюссель, Япония, Хиндистон, Покистон, Канада, Италия, Югославия ва бошқа халқаро кўргазмаларда ўнлаб олтин, кумуш ва бронза нишонлар, дипломлар ва Фахрий ёрликлар билан тақдирланган. Музей раҳбарияти кўшни ва хорижий давлатлар ва уларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан боғлиб, маданий алқаларни йил сайи ривожлантириб, музей кўргазмалари орқали уларни Ўзбекистоннинг бой ўтмиш тарихи, маданияти, санъати, турмуш тарзи ва урф-одатлари билан имкон қадар таништириб келмоқда.

Шу кунларда ўзининг 67 йиллик юбилейи-



ни нишонлаётган республикамиздаги йирик маданий-маърифий, маънавий муассасалардан бири ҳисобланган бу музейнинг жамоаси олиб бораётган ташкилотчилик ишлари анча салмоқлидир. Улар музей ишларини яхши йўлга қўйиш, нодир экспонатларни сифатли ва яхши сақлаш, фондларни янгидан-янги материаллар ҳисобига бойитишда фаол қатнашиб келмоқдалар. Музейнинг К.Турсуналиев, М.Ибодова, М.Мирқубов, Т.Фомина, Ю.Ермухамедова, М.Лапаева, С.Холиқова сингари ташаббускор ва ҳаракатчан ходимлари ўзларига беририлган дорларб ишларни кўргазмалар ташкил этиш, учрашувлар ўтказиб туриш ҳамда аждодларимиз мероси намуналари бўлган амалий санъат асарларини ёшлар ўрасида ташвиқот ва тарғибот қилишда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

— Музей ҳар бир халқнинг шу соҳада эришган ютуқларини акс эттирувчи кўзгусидир, — дейди биз билан суҳбатда музей директори Турғунжон Дўстонов. — Шу боисдан бирон бир кўшни ёки хорижий мамлакатга борган киши, энг аввало, у ердаги диққатга сазовор жойлар қатори албатта музейларни ҳам бориб кўради, ундан шурю, шу халқнинг бутун ўтмиши, маданияти, санъати, турмуш тарзи, урф-одатлари, хозирги ҳаёти ва келажақ уйлари билан яқиндан танишади. Республикаимиз мустақиллиги даврида халқ амалий санъати соҳасида кўлга киритилган улкан ютуқлар, яратилган янги асарларни халқимизга, айниқса юртимизга ташриф буюраётган хорижлик дўстларимизга кенг намойиш этиш, ўтмиш аждодларимиздан қолган бой маданий меросимизни кўрсатиш бизнинг биринчи навбатдаги вазифамиздир. Республика амалий санъат музейи ходимлари бир неча хорижий мамлакатлар музейлари билан маданий ҳамкорлик қилишни режалаштирган. Хусусан, Япония ҳукумати республикамиздаги қатор музейларни таъмирлаш, уларни зарур техника воситалари билан жиҳозлаш ишига яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқда. Бундай сайёҳаракатдан Ўзбекистон Давлат амалий санъат музейи жамоаси ҳам мамнун. Музейга ўрнатилган замонавий стенд ҳамда видео, аудио аппаратлари учун Япония томони 45 миллион япон иени ажратди. Бу эса экспонатларни намойиш қилишда қулайлик туғдирмоқда. Томоша залларида ўрнатилган мониторлар ёрдамида видеофильмлар ва слайдлар томошабинлар эътиборига ҳавола қилинмоқда. Машҳур «SONY» фирмасида ишлаб чиқарилган видеопроекторлар ҳам фильм ва слайдларни экран орқали кўрсатишда қўл келмоқда.

**Рашид БОЙТУЛАЕВ, санъатшунос.**

**Семинарлар**

**КАТТА ТААССУРОТ УЙФОТДИ**

**Ўқувчи ёшларда миллий ҳунармандчиликка муҳаббат уйғотиш, ота-боболаримиз касбларини эъзозлаш, ўрганиш ва давом эттириш мақсадида меҳнат таълими фанидан Чилонзор туманидаги 201-мактабда халқ амалий санъатининг «Қуроқ тикиш» йўналиши бўйича семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

Семинарда шаҳардаги барча меҳнат таълими фани ўқитувчилари, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси методика маркази методистлари ташриф буюришди.

Тадбирни бу сафар ҳам илгор педагогик технологияни мукаммал ўзлаштираётган меҳнат таълими фани ўқитувчиси М.Шомақсудова ўқувчи-қизларнинг диққатини ўзига тортиб, миллий ҳунармандчилигимиз тарихи, ривожини, ютуқлари ҳақидаги қизинг баҳс-мунозарани бошлаб берди. Уч гуруҳга бўлинган қизлар беришган саволларга ўзаро маслаҳатлашиб, таллашиб-тортишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Айниқса, фаол ўқувчилардан Нигора Нурматовна миллий «Қуроқ» тикиш санъати ривожига Сурхондарё вилоятининг Бойсун тоғла-

ри эгадигани қишлоқларнинг бирида истиқомат қилган Идрис ота ва Рузвон ая катта ҳисса қўшганликлари ҳақида гапириб ҳаммани қувонтирди. Бу кўпчилик учун тарихий манбалардан олинган янгилик бўлди. Хозирги кунга келиб «Қуроқ» тикиш халқ амалий санъатининг бирига айланганлиги, турли-туман тикиш усуллари кўпайиб бораётгани ва уларни ёшлар меҳр билан ўрганаётганлиги ҳақида Садоқат Исмилова сўзлаб берди.

Сўнгра ўқувчилар техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилган ҳолда амалий ишга киришди. Бирин-кетин ажойиб ижодий ишлар намойён бўла бошлади. Семинарда қатнашган устозлар сўзга чиқиб бугунги семинар-тренинг-

даги қўлланган усуллар улар учун янгилик бўлиб кейинчалик ўз дарсларида улардан фойдаланишларини таъкидлаб ўтмишди.

Шунингдек, 201-мактабдаги бугунги эришилётган ижодий ютуқлар, мактаб жамоасининг ҳамкорликда иш олиб бориши, уларга раҳбарлик қилаётган Д.Ҳайдаровнинг ишни тўғри ташкил этишида деб таъкидланди.

1998 йилдан бери ўқувчиларга таълим бериб келаётган захматқаш устоз М.Шомақсудова доимо изланишда. Яқинда А.Навоий номидаги театр майдонида ўтказилган «Меҳр ва муруват йили»га бағишланган меҳнат таълими фани ўқувчилари ижодий ишлари шаҳар кўргазмасида ўқувчилари гоилиблар сафидан ўрин олганлиги ўқоридиги сўзларнинг исботи бўлади.

Семинар охирида «Қуроқ» тикиш усуллари ҳақида методик тавсия ишлаб чиқилиб Методика маркази илмий кенгашига тақдим этилиши таъкид этилди.

Хуллас, семинар-тренингда қатнашган иштирокчилар бугунги мазмунли ўтган кунлардан мамнун бўлиб катта таассуротлар билан тарқалдилар.

**Бахтиёр АРСЛАНОВ, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси методика маркази меҳнат таълими фани услубчиси.**

**СУРАТДА: 201-мактабда бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа.**



## Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ УЎТГАНИД  
ДОМО БУЎЛА...

● Кимки яхшилиқни касб қилишга интилса, яхши мақтовларга сазовор бўлади.

Айтиди: қанчаллик куч-қувватга эга бўлмагин, душман билан доимо тинчлик йўлини ихтиёр қил.

Айтиди: агар дуст сандан насихатини аясса, айтиш зарур бўлган нарсани айтишда мужмаллик кўрсатса, айбларидан сени огоҳ қилмас, бундай дуст билан алоқани узиш ва ундан узоқлашишга сазовордир.

● Мулойимлик қуввати билан газаб оловини сўндирилган киши ҳақиқий мақтов ва олқишга лойиқдир.

● Фазаб ўт олганда мулойимлик кўрсата олиш ва гурурини синдира олиш ақли кишиларнинг саломатлиги ва омонлиги боисидир.

● Уч нарс ун нарса билан бирга бўлмайди: очкўзлик билан ҳалоллик, газаб билан меҳрибонлик, лақмаллик билан ростўйлик.

● Ҳикмат бир дарахти, у кишининг юрагида ўсади, меваси эса тил орқали тўкилади.

● Кимки узоқ яшашни хоҳласа, юрагини тинчлик ва мусибатларга қарши шай тугиши керак.

● Кимки бошқалар ҳаётидан ибрат олса, унинг ҳаётидан бошқалар ибрат олади.

● Бемор учун таому ичимликлар ёқмагани каби дунё муҳаббатига мубало бўлган кишининг юрагида панду насихат фойда бермайди.

● Бу дунёдаги яхши ишлар у дунёни сотиб олиш учундир. Ҳар кимда ақлдан насиба бўлса, ёмонлар билан улфатлик, олимлар билан дўстлик, риёкорлик билан яқинлик ҳамда жоду зулм боқий эмаслигини биллади.

● Кемачи дуч келган шамол билан кемани ҳайдавермаслиги, оқил киши кўнглига келган ҳар бир ўй билан иш тутавермаслиги керак.

● Жонингни дунёга фарқ одамдай тут, гарибларнигъаса иззат қил.

● Кеманинг чўкиб кетиши мумкинлиги ҳақида ҳали у тинч кетатган пайтда ўйла!

● Одамлар интилмаслиги лозим бўлган нарсалар нима? — сўрадилар Бузургмеҳрдан.

— Нокасларнинг мактовини эшитмаслик ва пасткаш кишилардан умид қилмаслик, — деди у.

— У дунё ва бу дунёни нима билан топиш мумкин? — деб сўрадилар.

— Яхшилиқ, илм ва тўғрилик билан! — деб жавоб берди у.

— Надомат чекувчи ким?

— Шошқалоқ ва ўзбилармон! Ўзбилармон меъмор турган бинонинг девори;

— Доно пушаймонлик ичида бўлади.

— Зое ўтган умр қалта? — деб сўрадилар.

— Бировга яхшилиқ қила олиш мумкин бўлиб қилмаган умр! — деди у.

— Доноликка оро берувчи нима? — деб сўрадилар яна.

— Тўғри фикр! — деди у.

— Шижоат нима? — деб сўрадилар.

— Узр сўрай олиш! — деди у.

— Қайси хунар энг яхши? — деб сўрадилар.

— Илм хунари! — деди у.

— Ким билан дуст бўлиш керак?

— Ҳасаддан узоқ юрган киши билан!

— Ақли кишилар кимдан эҳтиёт бўлишлари керак? — деб сўрадилар.

— Олий лаганбардордан ва хасис билдан!

## Экология

## ИНСОН ВА ТАБИАТ УЙҒУНЛИГИ

Хозир атроф-муҳитга таъсир ўтказишнинг асосий йўналишлари, бу — илмий-техника тараққиётига суянган индустриштириш ва саноатнинг юқори суръатда ўсиши, моддий истеъмолнинг юқори даражаллиги деб ҳисобланади.

Бирок эътиборни яна шунга қаратмоқ лозимки, истеъмол даражасининг пастлиги, қоқоқ техника ҳам экологик муаммоларни келтириб чиқаради. Кишилиқ жамияти ўзининг бутун тарихи давомида атроф-муҳит билан узулсиз муносабатда бўлади. Бунда у атроф-муҳитга муттасил мос фаол характерга эга бўлади. Атрофдаги муҳитни ва турмуш тарзини аста-секин тақомиллаштира бориш инсоннинг табиатга мослашувида айна фаол шакл ҳисобланади. Мана шу ўзгаришчилик фаолиятида инсон билан атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро таъсир ҳаммадан яққолроқ кўринади. Инсон атроф-муҳитга ўз таъсирини меҳнат орқали амалга оширади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш жамияти табиатдан

ажратибгина қолмай, балки уни табиатнинг қолган қисми билан боғлайди ҳам. Бошқа жонли организмлардан фарқли ўлароқ айна ишлаб чиқариш орқали табиатга фаол таъсир кўрсатиш инсонга хос фаолиятдир. Инсон ўз атрофдаги муҳитни шакллантиради.

Табиат ва инсон жонли мавжудотни ташкил этади. Инсоният жамияти табиатдан, ўзининг ноорганик жисмидан ташқарида яшай олмайди. Фақат инсониятнинг табиатга, атроф-муҳитга таъсири оқилона тарзда амалга оширилиши керак. Бўлмаса кенг қўламдаги экологик муаммолар келиб чиқиши мумкин.

Равшан ҲАМИДОВ,  
Камолитдин ЮСУПОВ,  
Тошкент Молия институти талабалари

## «01»

ГАЗДАН ТЎҒРИ  
ФЙДАЛОНАЙЛИК

Қашқадарё вилояти, Чирокчи тумани, Умакэй қишлоғида жойлашган «Имом ота» хусусий чойхонасида фойдаланилаётган ҳажми 20 килограмм бўлган «пропан» газ баллонида қақнаш натижасида портлаш содир бўлган. Портлаш натижасида 4 нафар инсон ҳалок бўлди. Уларнинг орасида эндигина ҳаётга қадам қўётган ёш бола ҳам жиддий жароҳат олиб, ўша ерда дунёдан кўз юмди.

Ҳа, бугунги ҳаётимизни газсиз тасаввур қила олмаймиз. Шу билан бирга, афсуски, айримларимиз уни маънавий хизматда ишлатиш қонун-қоидаларини яхши билмаймиз ва билган ҳолда ҳам унга риоя қилмаймиз. Уринли савол туғилади — нега ва нима учун? Бир катта хонадонда ёнғин содир бўлса, ушбу уй эгаларининг «бурнига сув қиради», чунки йиллаб йилган даромади, уйи ва жиҳозларидан бир неча дақиқаларда айрилиб қолади. Ён-атрофдаги кўни-қўшиллар, нима сабабдан ёнғин чиққанини билсаларда, «Худонинг ўзи асрасин, бундай офатдан», дея талафот кўрган қўшинининг хатосини қайтаравердилар. Шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсади

Айниқса, Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин Хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан бозорлар, автобус бекатлари ва умумий овқатланиш

шохобчаларида ўтказилаётган текширувлар натижалари кўплаб муаммолар мавжудлигини ойдинлаштирмоқда. Маълумки, шаҳримиздаги ақли кўплаб йиғиладиган ва дам олиш жойларида айниқса, ёшларимиз севиб истеъмол қиладиган «гамбургер», «хот-дог» каби тез пишар таомларни сотиш оддий ҳолга айланган бўлган. Улар ўз-ўзидан пишиб қолмасдан балки айнан ўша, портлаш хавфи бўлган газ баллонлари орқали «таом»га айланади. Бу борада «тадбиркорлар» деб аталмиш айрим савдо ходимлари турли таомлар тайёрлаш учун резина шланг билан уланган газ баллонни орқали ишлатиладиган махсус мосламаларни белгиланмаган жойларда, қонунни четлаб ўтиб, ўрнатган ҳолда ишлатиб, айтиш мумкин, фақат ўз чўнтақларини қаппайтириш билан шуғулланишмоқдалар.

Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда турар жой биноларининг ёнғинга қарши ҳолатини мухтаккашлаш борасида, айниқса, газ ишлатишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинса ва ҳар бир фуқаро ёнғин офатининг олдини олишга эътибор берса ўз ҳаётини олаш-хатардан сақлаб қолган бўлар эди.

Муслима РАҲИМОВА  
Тошкент шаҳар  
ИИББ ЁХБ муҳандиси,  
ички хизмат лейтенанти.

АМАЛИЙ  
СЕМИНАР

Чилонзор туманидаги 162-мактабда Халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, педагоглари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтилари ҳамда педагогика институтилари ректорлари иштирокида Президентимизнинг «2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фа, мойишида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида амалий семинар ўтказилди.

Маълумки, мамлакатимизда бугунги кунда 9 минг 727 та умумий ўрта таълим мактаблари мавжуд бўлиб, уларда халқимизнинг 6,5 миллиондан зиёд фарзандлари таълим-тарбия олишмоқда.

Мазкур фармойишда умумтаълим мактаблари моддий-техника базаси ҳолатини, ўқув лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ҳамда дарсликлар билан таъминлашни тубдан яхшилашда ота-оналар, маҳалла, жамоатчилик ва тадбиркорлар ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилган, деди Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати котиби Дон, ёр Уролов. Чилонзор туманидаги 162-мактаб ўқувчиларининг ота-оналари, педагоглари жамоаси, «Чилонзор» маҳалласи фаоллари ва тадбиркорлар томонидан қисқа муддатда амалга оширилган хайрли ишлар фармойиш ижросини таъминлашда намуна бўлади десак муболаба бўлмайди.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА,  
«Туркистон-пресс»

## Назм гулшани

## МУНАВВАР ОҚШОМИНГДАН

Азим шаҳрим, мен ўргилай Тошкент деган номингдан  
Дилга ором кеча-кундуз, мунаввар оқшомингдан.

Шу заминда бахтим тоғдим, чин инсоний камолот,  
Болалигим боқиб турар кўчаларинг, томингдан.

Нон шаҳри деб ардоқлайди узоқ, яқин қардошлар,  
Турфа миллат, элатларга саховат, инъомингдан.

Мустақиллик майдонида ўтса тантана тўйлар  
Акс садоси янграр Кўкча, Чорсу, Ҳастимомингдан.

Тарингнинг тотган чумчуқ, ривоятларга кўра,  
Қайтиб келар хатто Макка, Мағриб, Маширқ, Шомингдан.

Хур Истиклол шарофати, таниди буткул жаҳон,  
Фурур кезар кўнгли аро, мавқеъ ҳам мақомингдан.

Ёш авлодлар буюк йўлда, тарих сабогин ўқиб,  
Қафол Шоший, Чўлпон, Фитрат, Ғофир ал-Ғуломингдан.

Бунёдкорлик санъатингдан дўстлар мамнун, шод эрса,  
Аҳли ганим саросима, эрқарвар низомингдан.

Ҳожи Пулат кўзга суртгай, тупрогингни ёъзолаб,  
Симирганда оби ҳаёт меҳр тўла жомингдан.

Пўлатжон БОБОМУҲАМЕДОВ



Санъат оламининг гулгунчалари.

Ўзбекистон халқ ҳофиси Маъмуржон Узоқовнинг миллий санъатимиз ривожигаги ўрни катта. Айниқса, бир умрлик ҳамдами Жўраҳон Султонов билан биргаликда қўйлаган қўшиқлари санъатимиз олтин фондидан ўрин олганлигини муҳлислар яхши билишади.

## ҲОФИЗ ХОТИРАСИ ЁДГА ОЛИНДИ

Эл суйган ҳофиз Маъмуржон Узоқов таваллудининг 100 йиллиги олдидан Гафур Фулом номидаги Маданият ва истироҳат боғида «Барҳаёт сиймолар» туркумидан ҳофиз ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Уни Ўзбекистон санъат арбоблари, профессорлар Тўхтасин Ғофурбеков ва Раҳмон Абдуллаевлар кириш сўзи билан очишди ва олиб боришди.

Файзли ўтган хотира кечасида халқ ар-

тисти, профессор Саодат Қобулова, Ўзбекистон халқ артисти Кундуз Мирқаримова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Деҳқонбой Хусанов, Ўзбекистон санъат арбоби Тимур Маҳмудов, фохрий журналист Мақсуд Қориев бетакрор овоз соҳиби М.Узоқов тўғрисидаги хотиралар билан ўртоқлашишди, қизиқ воқеаларни ёдга олишди.

«Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондори Абулқасим Тўйчиев, Жўраҳон Султонов-

нинг набираси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Санобар Каримовалар ҳам ўтмиш хотираларини тилга олиб, ўз санъатларини намойиш этишди.

Таникли ҳофизлар Жўрабек Набиев, Маҳмуд Йўлдошев, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг А.Исмоилов раҳбарлигидаги мақомчилар ансамбли ижросидаги мумтоз куй-қўшиқлар тадбирга йиғилганлар кўнглиларига илиқлик бахш этди.

Тадбир сўнггида Маъмуржон Узоқовнинг қизи Зуҳра Узоқова хотира кечасининг барча ташкилотчилари ва иштирокчиларига, жумладан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зокир Султоновга М.Узоқов ҳаёти ва ижодига бағишланган суратли альбомни тайёрлагани ва топширгани учун самимий миннатдорчилик билдирди.

(Ўз мухбиримиз)

### «ОЛТИН ОДАМ»-НИНГ СИРИ

Мўғулистон халқ академияси нашриёти археолог Д.Наван ва шарқшунос Б.Сумьябаторнинг китобини нашрдан чиқарди. Унда Булгон аймагидаги қадим кўрғонни қазिश чоғида топилган ҳайратомуз топилма ҳақида ҳикоя қилинади.

Бундан беш-олти йил аввал кўрғондан археологлар думалоқ олтин пластинка топилган эди. Унда соқолли чолнинг сурати ўйиб туширилган эди. «Олтин одам»нинг боши атрофига бир неча белги ҳам нақшланган эди. Белгилар ва ой тасвири шубҳасиз кўчманчи ҳаёт тарзидан нишона эди. Лекин у қайси даврга алоқадор?

Б.Сумьябатор олтин пластинкадаги белгиларни Критдан топилган фест пластинкасидаги суратлар билан таққослади. Тинч океани ҳудудидаги Насхи оролидаги патдан ишланган муҳрлар, ёзувлар билан солиштирди. Ниҳоят олтин пластинкадаги белгиларни ўқишга қалит топди. Унга «ҳокон муҳри» деб ёзилган экан. Олтин пластинка хулнунлар давридан қолган ноёб мерос деб баҳоланди. Олтин пластинка хулнунлар даври ҳақидаги биринчи ашъвий далил-лар.

### ТОШДЕК ЖУМБОҚЛАР

Қоҳира яқинидаги Фазо текислигида жойлашган Миср эҳромлари жумбоқлари олимларни ҳали ҳамон ҳаяжонга солиб келади. Яқинда унинг этакларида япон археолог олимлари ўз изланишларини бошладилар. Улар ниҳоятда ўткир сезгили аппаратуралар ёрдамида 10 метр қалинликдаги тошлар орқасини ҳам кўра оладиган электромагнит нурларини ишга солдилар.

Қадимги Миср тараққиётдан қолган улкан ёдгорликларни ўрганиш шу тахлит давом эттирилди. Аввалроқ олимлар эҳром тошлари орасида сирли «бўшлиқ»ларни топган эдилар.

Япон археологлари экспедицияси бошлиғи Токио дорилфунуни профессори Сапудзи Йосимуранинг асосий нияти барибир бошқача. Сфинкслар танаси кир, чехраси одам ҳайкаллари янги эрагача бўлган 2600 йил фиравн Хефрен томонидан эҳромларга дафн этилган фиравнларнинг оролини қўриқлаш учун қўрилган деган ақида бор халқ орасида. Япон олими эса сфинкс ўликлар шаҳрининг маркази сифатида, эҳромлардан ҳам олдин тикланган деган фикрда. У шу тахминни исботламоқчи.

## ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР



*Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

### «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»

*Сизларни биржа савдоларига таклиф этади*

Биржа савдоларига «Автомакон» савдо-ярмарка мажмуаси шўба хўжалик жамиятининг Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, 3-уйда жойлашган автомажмуа ҳудудидаги майдони 18 кв.метрдан бўлган қуйидаги товар турлари сотиш учун мўлжалланган турғун савдо дўконлари қўйилган:

- кийим-кечак ва пойабзал моллари;
- газмоллар;
- канцелярия моллари;
- электр ва хўжалик моллари;
- маиший кимё тозалаш моллари;
- озиқ-овқат моллари;
- «DAEWOO» авто-эҳтиёт қисмлари;
- авто улов аксессуарлари;
- чет-эл авто улов эҳтиёт қисмлари;
- «ГАЗ», «ВАЗ» ва «Москвич» авто-эҳтиёт қисмлари;
- авто лак-бўёқ маҳсулотлари;
- автошина ва гилдирақлар.

**Ҳар бир савдо дўконнинг бошланғич баҳоси – 3 000 000 сўм.**

*Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунинда соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.*

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.

Сайт: [www.tshmbm.uz](http://www.tshmbm.uz); Эл.почта: [info@tshmbm.uz](mailto:info@tshmbm.uz) ва [Birja@mail.tps.uz](mailto:Birja@mail.tps.uz)



*Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

### «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»

**Сизларни биржа савдоларига таклиф этади**

**Биржа савдоларига қуйидаги объектлар қўйилган:**

- ➔ Тошкент шаҳар, М.Улугбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган, майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси; Бошланғич нархи — 750 000 000 сўм;
- ➔ Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Жанубий саноат ҳудуди КПД-5 ёнида жойлашган, «Промстройиндустрия» ОАЖнинг қурилиши тугалланмаган монолит уй қурилиш базаси; Бошланғич нархи — 59 921 772 сўм;
- ➔ Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, И.Франко кўчаси, 38а-уйда жойлашган «O'z davlat ta'lim loyiha qurilish» МЧЖнинг 90 фоизлик давлат улуши; Бошланғич нархи — 1 514 250 сўм;
- ➔ «Руслан Шамшади» хусусий корхонаси балансида бўлган қуйидаги дастгоҳлар: — СМЖ-357 дастгоҳи, бошланғич нархи — 1 400 221 сўм, — Токарлик-револьверли 1Г 340 П дастгоҳи, бошланғич нархи — 5 338 396 сўм.

**ШУНИНГДЕК, САВДОЛАРДА «ПАРКЕНТ ИХТИСОСЛАШГАН БОЗОРИ» ОАЖ ҲУДУДИДА ТУРГУН САВДО ДУКОНЛАРИ ҚУРИШ ҲУҚУҚЛАРИ СОТИЛМОҚДА.**

*Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунинда соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.*

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.

Сайт: [www.tshmbm.uz](http://www.tshmbm.uz); Эл.почта: [info@tshmbm.uz](mailto:info@tshmbm.uz) ва [Birja@mail.tps.uz](mailto:Birja@mail.tps.uz)

**Спорт**

**АВТОКРОСС УСТАЛАРИ БЕЛЛАШДИ**

Ўзбекистон мудофаа-сига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгашининг таъбири билан Жиззах шаҳрида спортнинг автокросс тури бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Маъмур мусобақада етти-та вилоят жамоасининг 55 нафар спортчилари иштирок этди. Уч кун давом этган ушбу спорт тадбирида жамоалар ўртасида умумий ҳисобда 123 балл жамгарган Қашқадарё вилояти биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринга Жиззах вилояти (106 балл), учинчи ўринга эса Тошкент шаҳри спорт жамоалари (105 балл) сазовор бўлди.

Шахсий ҳисобда кичик машинада спорт усталигига номзод Ўткир Худойбердиев (Қашқадарё вилояти), енгил машинада спорт устаси Юрий Бедорников (Қашқадарё вилояти), енгил машинада Олег Сичаков (Тошкент шаҳри), енгил машинада спорт устаси Шерзод Жумаев (Самарқанд вилояти) биринчи ўринларни эгаллашди.

Юк машинасини бошқариш бўйича биринчи ўрин спорт усталигига номзод Олим Собировга (Жиззах шаҳри) насиб этди. Чилонзор тумани спорт-техника клуби вакили спорт усталигига номзод Геннадий Андреевга эса ушбу йўналишда иккинчи ўрин насиб этди.

Чемпионат якунида мусобақа ғолибларига «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгашининг дипломлари ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

**ЙЎЛҚАДА ЮГУРИШ МУХЛИСЛАРИ**

2-Тошкент Давлат тиббиёт институтида талаба ва ўқитувчилар иштирокида яна бир спорт тадбири ташкил этилди.

Асосан талабалар уйида истикомат қилувчи толиби илмлар, факультетларнинг деканлари, жисмоний тарбия кафедраси ўқитувчилари қатнашган кросс югуриши жуда қизиқарли ўтди.

Иштирокчиларни институт ректори профессор Ҳамид Каримов ғалаба сари руҳлантиргач, соғломлаштирувчи югуриш ихлосмандлари ўз кучларини синаб кўришди. Кросс натижаларига кўра саккизтадан ғолиб йигитлар ва қизларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

(Ўз мухбиримиз)

**Акробатика**

**ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ҚЎЛИ БАЛАНД КЕЛДИ**

Шаҳримиздаги «Ёшлик» спорт мажмуасида акробатика бўйича Ўзбекистон чемпионати беллашувлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда республика акробатика федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақаларда тўрт кун давомида мамлакатимизнинг юзга яқин энг кучли акробатлари ғалаба учун кураш олиб боришди.

Натижалар сарҳисоб қилинган, қизлар жуфтлиги ўртасидаги бахсларда Стелла Каримжонова ва Евгения Лошникова (Андижон вилояти) 45.396 балл тўплаган ҳолда ғолиблар сифини бошқаришди. 43.00 очкога эга ҳамшаҳарларимиз Зулфия Қолдибоева ва Нигора Исроиловалар кумуш нишонларни қўлга киритишди.

Шуниси қувонарлики, учинчи ўрин ҳам 39.55 балл тўплаган тошкентлик спортчилар — Анна Аблаева ва Снежана Алёмина-

ларга насиб этди.

Аралаш жуфтликларда ҳам омад шаҳримиз вакилларига қулиб боқди — 39.09 балл жамгарган Ирина Хван ва Ақром Абдуллаевлар шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишди. Ушбу машқда иккинчи ва учинчи ўринларни Наманган ҳамда Андижон вилояти акробатлари банд этишди.

Эркалар жуфтлиги беллашувлари ҳамшаҳарларимизга яна бир бор олтин нишон ҳада этди — ака-ука Нажибулло ва Ҳабибулло Бобомуродовлар ғалаба қозонишди.

Андижонлик спортчилар Илҳом Мўминов ва Мансур Абдифаттоевлар иккинчи, шаҳримиз вакиллари Ҳафиз Бобомуродов ва Муҳлис Нурматовлар учинчи бўлишди.

Аёллар ва эркалар гуруҳи бахсларида ҳам

тошкентлик акробатика усталари — Зиёрат Раҳимова, Арофат Кодирова, Наргиза Кодирова, Бахтиёр Хўжаев, Мурод Дусейнов, Сергей Каспарян ва Илҳом Султоновларга тенг келадиганлар топилмади.


Шу тариха умумжамоа ҳисобида ҳам ҳамшаҳарларимизнинг қўллари баланд келди.

Ғолиб ва совриндорлар медаллар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Даврон ИСМАТОВ

СУРАТДА: тошкентлик жуфтлик навбатдаги машқи бажармоқда.

Алексей Попов олган сурат.



**Манишинг, янги рўқиб:**

**«СПОРТШУНОСЛИК»**

Қадрли спорт ишқибозлари! Бугундан бошлаб «Спортшунослик» номли янги рўқиб этибордингизга ҳавола этишни бошлаймиз. Бунда спорт оламининг тарихи, бугуни ва эртаси билан боғлиқ ғаройиб воқеалар, шунингдек, сизни мушоҳадалар уммониغا етакловчи савол-жавоблар бериб борилади. Бизни кузатиб боринг. Зеро, мақсадимиз сизга спорт завқини улаиш. Демак, янги саҳифага спорт тили таъбири билан айтганда старт берамиз.

**БУТАН ТОШКЕНТГА НЕГА КЕЛМАГАНДИ?**

ФИФА рейтингидан энг сўнгги ўринлардан бирини банд этган Бутан мамлакатини кўпчилик билмаслиги табиий. Жаҳоннинг митти давлатлари қаторига кирувчи бу мамлакат футболчилари билан битта жумбоқли воқеа

ҳали ҳамон баъзиларнинг ёдидан кўтарилмаган бўлса керак. Яъни 1998 йил Франциянинг яшил майдонларида жаҳон чемпионати бахслари авж паллага кирган бир маҳалда ОФКнинг бефарқлиги туфайли ёшлар ўртасида Осиё чемпионати га етакловчи саралаш бахслари ҳам старт берилганди. Аммо бизнинг гуруҳдан жой эгаллаган Бутан терма жамоаси номаълум сабабларга кўра пойтахтимизга ташриф буюрмади.

Кейин маълум бўлишича, Бутанда аҳвол қизиқ экан. «Тасаввур қилинг, бутун бир давлатда телевидение йўқлиги туфайли, фуқаролар «Франция — 98» бахсларини кўриш бахтидан мосуво бўлишган. Аммо футболни жуда қаттиқ суювчи қирол Жим Синх Ванчук 600 минг одамга етмаса-да, учта шаҳарга каттакон «ойнаи жаҳон» ўрнатишга қарор қилиб, мамлакат футбол шинавандаларининг чанқоғини қондирган экан.

**МАРАТ БИКМАЕВ — «ИНТЕР» КҮРИГИДА**

Яқинда пойтахтимизда меҳмон бўлган Миланнинг «Интер» клуби селекционери Марко Беруччи «Пахтакор» жамоасининг ёш ва иқтидорли ўйинчиларидан бўлган Марат Бикмаев ва Александр Клецковларни икки ҳафталик ўқув машғулотидан синаш учун Италияга олиб кетди. Агар ўйинчиларимизнинг ҳаракатлари клуб мураббийларига ёқиб тушса, яқин йилларда Вьери, Рекоба, Каллон каби дунё юлдузлари жамланган клубда ўзбек футболчиси майдонга тушса ажаб эмас.

**«ЛИВЕРПУЛ» НИҲОЯТ СОТИБ ОЛИНДИ**

Бошланғич нархи 100 миллион доллар сифатида баҳоланган Англиянинг «Ливерпул» клуби Таиланд баш вазири Таксин Шиниватра томонидан сотиб олинди. Бутун Таиланд ахли ҳозирда Майкл Оуэн жамоасини ўзиники деб ҳис қилмоқда.

Миркомил МУСАЕВ тайёрлади.

**Сўқибол**

**ЙИРИК ҲИСОБДАГИ ҒАЛАБА**

Мамлакат XIII миллий чемпионатининг 9-тур учрашувлари «Пахтакор» жамоасига яна йирик ҳисобдаги ғалабани туҳфа этди.

Андижонда «Андижон» жамоасига қарши майдонга тушган мамлакатимизнинг етакчи жамоаси «Пахтакор»га рақибини йирик ҳисобда мағлуб этиш қийинчилиги туғдирмади. Шунинг таъкидлаш жоизки, рақиб дарвозасига хавфли ҳужум уюштириш, тўпни бир-бирига аниқ узатиш бобидан мезбонлардан анча устун бўлган тошкентликлар рақиб дарвозасини беш марта аниқ нисонга олишиб ўйин охиригача ўз дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қолишди. Тўпларни дарвозага Копадзе, Ашурматов, Қошелев, Гочкулиев, Властичевлар йўллашди.

Олий лиганинг янги жамоаси «Локомотив»га ушбу турда яна омад қулиб боқди. Ўз майдонида Муборакнинг «Машъал» жамоаси билан куч синашган «Локомотив» ҳужумкор ўйин намойиш этиб меҳмонлар дарвозасига жавобсиз битта гол йўллашга муваффақ бўлди.

Қолган учрашувлар куйидагича якунланди. «Насаф» — «Бухоро» 1:0, «Навбахор» — «Сўғдиёна» — 4:0, «Қизилқум» — «Самарқанд — Динамо» — 2:0, «Нефчи» — «Трактор» — 5:2, «Сурхон» — «Металлург» — 1:0.

Навбатдаги 10-тур бахслари 23 май куни бўлиб ўтади.


Ақбар ЙЎЛЧИЕВ

**ЭЪБОНЛАР**

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1-Республика тиббиёт коллежидан 2004 йил 21 майда «Очиқ эшиклар куни» бўлиб ўтади. Манилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Е» мавзеси, Халқлар Дўстлиги шох кўчаси, метронинг Ҳамза бекати. Автобуслар: 77, 132, 9, трамвай 9. Телефон: 77-85-94.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги С.Сирожиiddинов номли 1-ўрта мактаб томонидан 1994 йилда Ирматова Лазиза Фатхуллаевна номига берилган А№001555 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Сўзсиз сурат.

Абдурашул Ҳақимов чизган расм.



**Бош муҳаррир**  
**Ақмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39;  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибқ, обфет  
усули босилади.  
4273 нусxada босилади. Қўзғат бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чикади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларини почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмоқноси.  
Қорхона манзими: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.